

1-мавзу. 1-маъруза

ЕР ХУКУКИ ТУШУНЧАСИ

РЕЖА:

- 1. Ер хукуки фанининг предмети ва усуллари.**
- 2. Ер хукуки тамойиллари.**

Маъруза машғулотин ўқитиши технологияси модели

| | |
|---|--|
| Талабалар сони 96 | 1-Мавзу, 1-маъруза 2 соат |
| Ўкув машғулотининг шакли | Маъруза-ахборот |
| Машғулотнинг режаси: | <ol style="list-style-type: none">Ер хукуки фанининг предмети ва усуллари.Ер хукуки тамойиллари. |
| <p>Машғулотнинг максади: Ер хукуки фанининг предмети, ер муносабатларини тартиба солиш усуллари ва тамойиллари тўғрисида тасаввурни шаклантириш</p> | |
| Педагогик вазифалар: | Ўкув фаолияти натижалари: |
| <ol style="list-style-type: none">Ер хукуки фанининг предмети ва усуллари. тўғрисида тушунчалар беради.Ер хукуки тамойиллари.тўғрисида тушунчани беради. | <ol style="list-style-type: none">Ер хукуки фанининг предмети ва усуллари. тўғрисида тассавур шакланади..Ер хукуки тамойиллари тўғрисида тассавур шакланади.. |
| Ўқитиши услуби ва техникаси | Визуал маъруза, намойиш, аклий хужум, |
| Ўқитиши воситалари | Доска, слайдлар |
| Ўқитиши шакли | жамоавий |
| Ўқитиши шарт- шароити | Проектор, компьютер билан жихозланган аудитория |
| Мониторинг баҳолаш | блиц сўров |

МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

| Иш боскичлари | Фаолият турлари | |
|--|--|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1 боскич Ўкув машғулотига кириш 15 дакика | Гурухлар давомати назорат килинади. Мавзу номи, максади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум килинади | Тинглайдилар ва ёзиб оладилар |
| 2 боскич Асосий кисм 55 дакика | 2.1.Мвзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чикиш таклиф этилади. 2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, хар бир слайд шарҳланади. Мавзуга жалб килувчи саволлар берилади. 2..3.Мавзу режалари бўйича хуносалар килинади. Керакли маълумотларни дафтарда кайд этишлари кераклиги ёдга солинади. 3. Мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини аниклаш максадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова) | Ўкийдилар Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар Талабалар жавоб берадилар |
| 3 боскич Якуний боскич 10 дакика | 3.1. Мавзу бўйича умумий хуноса килади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги ахамияти ва ўрнига талабалар эътиборини каратади. 3.2. Мустакил иш учун топширик берилади. (2-илова) | Тинглайдилар Топширикни ёзиб оладилар |

Нима учун ер хукуки фанини ўрганилади?

Сиёсий нуктаи назардан

Сиёсий хокимиятга эгалик килган ижтимоий кучлар ер ва унинг бойликларига нисбатан ўз хокимиятини ўрната олмасалар, улар кўлга киритган бу хокимият илдизсиз дарахт мисолидир. Шу боисдан хам давлат ерни моддий бойликлар асоси сифатида эътироф этиб, ўз миллий конунлари билан тасарруф этади. Ер ва унинг бойликлари миллий юрисдикция таъсирига олингандиги ерга нисбатан хукукий муносабатлар вужудга келишини талаб этади. Ер атрофида вужудга келган ва вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларнинг аксарият кисмини ер хукуки тартибга солади

Нима учун ер хукуки фанини ўрганилади?

Иктисадий омил сифатида

Ер мамлакатимиз ахолисининг турмуш фаровонлигини таъминлайди, республиканизминг иктисадий салохияти учун моддий негиз яратади. Шу сабабли ундан хар кандай даврда ва шароитда окилона, унумли ва илмий асосланган тарзда фойдаланишни ташкил этиш мамлакат бугуни ва келажаги учун нихоятда мухим ахамият касб этади. Бунда энг аввало ер билан бевосита боғлик бўлган хукукий меъёрларнинг ахамияти бекиёс каттадир. Ушбу фикрнинг тўғри эканлигини Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримовнинг куйидаги сўзлари хам тасдиклайди: "*Марказий Осиё шароитида ер Оллоҳ таолонинг бебаҳо инъомидир. У том маънода одамларни бокади, кийинтиради. Бевосита дехкончилик билан боғланган оиласларнигина эмас, балки маълум бир тарзда кишилек хўжалиги билан алокадор барча тармоклар ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлаётган республиканинг барча ахолиси фаровон турмуши кечириши учун моддий негиз яратади. Айни вактда ер улкан бойлик бўлибина колмай, мамлакатнинг келажагини белгилаб берадиган омил хамдир*". Республикаизда мустакиллик йилларида ерга оид муносабатларни хукукий жихатдан тартибга солиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди, бунда ер конунчилигининг замон талаблари даражасида такомиллашиб бориши нихоятда мухим ахамият касб этади

Нима учун ер хукуки фанини ўрганилади?

Мутахассислик нуктаи
назаридан

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон карорининг 2-ИЛОВАСИ билан тасдиқланган “[Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза килиш устидан давлат назорати тўғрисида НИЗОМ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2018 й.08.02 даги ПФ-5065 ФАРМОНИГА КЎРА:

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза килиш устидан давлат назорати махаллий давлат хокимияти органлари, шунингдек маҳсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Махаллий давлат хокимияти органлари ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза килиш устидан назорат бўйича маҳсус ваколатли давлат органлари худудий бўлинмаларининг ерга оид конун хужжатларига риоя килиниши тўғрисидаги хисоботларини эшитадилар, ердан окилона фойдаланиш ва уни муҳофаза килишни текшириш бўйича комиссиялар ташкил этадилар, ушбу масала бўйича конун хужжатларида назарда тутилган бошка ваколатларни амалга оширадилар.

конун хужжатларига биноан куйидагилар ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза килиш устидан назорат бўйича маҳсус ваколатли давлат органлари хисобланади:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси (Давергеодезкадастр);**
- 2.Ўзбекистон Республикаси “Экология ва атроф мухитни муҳофаза килиш” Давлат кўмитаси.**

ЕР ХУКУКИНинг ТАВСИФЛАРИ

**хукук
тизимининг
мустакил
тармоғи
сифатида**

**хукук фанининг
бир соҳаси
сифатида**

**махсус ўкув
курси сифатида**

Ер хукукининг хукук тизимининг мустакил тармоғи сифатида тавсиғи

*Ер хукуки давлат томонидан ўрнатилган ерга оид
муносабатларни тартибга солувчи хукукий меъёрлар
тизимиdir.*

Ер хукукида хар бир хукук тармоғи учун зарур бўлган белгилар мавжуд, яъни:

- а) у ўз маҳсус предметига эга;**
- б) у ўз маҳсус хукукий тартибга солиш услубига эга;**
- в) давлат шу соҳадаги ижтимоий муносабатларни алохида тартибга солиб туради;**
- г) у алохида гурухланган хукукий- меъёртив хужжатлар мажмуасига эга.**

Ер хукукининг хукук фанининг бир сохаси сифатида тавсифи


Ер хукуки Ўзбекистон хукук фанининг бир сохаси сифатида илмий нуктаи назаридан давлатнинг ер хукуки тушунчалари тоифаларини фундаментал ўрганиши бўйича сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик талабларини ифодалайди. Бунда ер хукукининг предмети сифатида фанга оид илмий-назарий тушунчалар, карашлар, муаммолар ва уни ривожлантириш масалалари хизмат килади.

Шу ўринда унга фанга тегишли бўлган барча хусусиятлар тегишли бўлади. Бугунги кунда ер хукуки фанининг энг мухим йўналишларидан бири бу ер конунчилиги самарадорлигини ошириш масалаларини ўрганиш билан боғлик. Чунки бугунги кунда республика хукумати томонидан кўйилган вазифаларни хал этилиши ер муносабатларини хал килиш билан боғлик.

Ер хукуки махсус ўкув курси сифатида

Ер хукукининг ўкув курси сифатидаги хажми, мазмунни ва максадлари турли хил даражадаги ўкув муассасасаларида турлича бўлиши мумкин

Махсус ўкув курси сифатида ер хукуки хукукнинг мустакил тармоғи сифатида, ер хукукининг сиёсий, ижтимоий, экологик муаммоларни хал килишдаги ўрни, ер конунчилигининг холати ва ривожланиши, ер муносабатларини амалиётда тартибга солиниши тўғрисида илмий билимлар тизими хисобланади.



Ер хукукининг предмети сифатида нима хизмат килади?

Ер хукуки ер билан боғлик, лекин иктисадий тавсифга эга бўлмаган, яъни фойдаланиш ва муҳофаза килишга алокадор бўлмаган муносабатларни тартибга солмайди. Масалан, ер маъмурий-худудий бошкарув муносабатларида обьект сифатида катнашаётган бўлсада, бунда у давлат хокимиятининг таъсир доираси сифатида каралиб, бу соҳадаги муносабатлар давлат ёки маъмурий хукук билан тартибга солинади.


Демак, ер хукукининг предмети деб, ер хукуки вазифаларига жавоб берадиган, бевосита ерга нисбатан мулкчилик, ундан фойдаланиш, ва уни муҳофаза килиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларга (ер муносабатларига) айтилади.

ЕР МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛЛАРИ




Ер хукукининг **императив усули** ер муносабатлари субъектлари доирасини ва ер муносабатларида амалга ошириш мумкин бўлмаган харакатларни (такик) белгилайди. Ушбу усулни характерли жихати шундаки, у ер муносабатларини тартибга солишда томонларнинг юридик тенглигини рад этади, хокимият ва бўйсуниш муносабатларини кўзда тутади. Масалан, ер участкасидан максадли фойдаланиш коидалари бузилса (ЕК 36-м) ер участкасига бўлган хукук бекор килинади.

Ер хукукининг **диспозитив усули** томонлар тенглигини тан олади, уни куйидагича турларга бўлиш мумкин:



ЕР ХҮКҮКИ ТАМОЙИЛИ ТУШУНЧАСИ



ЕР ХҮКҮКИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ **ДЕЙИЛГАНДА**
УНИНГ БАРЧА мөъёрЛАРИ (МЕЪЁРЛАРИ) УЧУН
АСОС БЎЛАДИГАН хОЛАТЛАР ТУШУНИЛАДИ

ЕР ХУКУКИ ТАМОЙИЛ ЛАРИ

- ерлардан окилона, самарали ва белгиланган максадда фойдаланиш
- ер фондини асраш, тупрок сифатини яхшилаш хамда унумдорлигини ошириш
- кишлок хўжалиги учун мўлжаланган ерларни алохида муҳофаза этиш ва катъий белгиланган максадда фойдаланиш
- ер ва бошка табиий объектларга зарар этказилишининг олдини олиш
- ерга бўлган хукукнинг хилма-хиллиги
- ер муносабатлари иштирокчиларининг teng хукуклиги

ЕР ХУКУКИ ТАМОЙИЛЛАРИ

хак тўлаш асосида ердан фойдаланиш

**ерларнинг холати хакида ахборотлардан эркин
фойдаланиш**

давлат мулк хукуки устиворлиги

ер ва унинг бойликларидан комплекс фойдаланиш

ерга бўлган хукукни давлат рўйхатидан ўтказиш

**ер участкасини саклаш ва сервитутларга амал
килиш**



**кишлок хўжалик учун мўлжалланган (суғориладиган)
ерларни алоҳида муҳофаза килиш ва катъий белгиланган
максадда фойдаланиш тамойили**

ЕК 43-44 модда

Ушбу тамойил асосида шакланган меъёрлар бундай тоифадаги ерларнинг алоҳида хукукий макомини белгилайди. Бунга сабаб бу ерларнинг микдор жихатидан чеклангани ва маҳсулот етиштирувчи ишлаб чикириш воситалари бўлиб хизмат килишидир. Бу ерларнинг хукукий макоми ва хўжалик холати устиворликка эга бўлгани учун

алоҳида кимматбахо деб карапади. Ер кодексида уларнинг устиворлик холатини акс эттирадиган меъёрлар бор. Масалан, **Ер**

кодексининг 43-моддаси тўртинчи кисмида бу ерларни кишлок хўжалигида ўзга эхтиёжлар учун бошка тоифадаги ерларга ўтказишга алоҳида холларда конун хужжатларига мувофик йўл кўйилади, дейилган. **44-моддага асосан** суғориладиган ерлар

алоҳида муҳофаза килиниши лозим. Бундай ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида холларда, тупрок-мелиоратив ва иктисадий шароитларни хамда ерларнинг сув билан таъминланганлиги, улардаги мавжуд сув ресурсларини ва бу сувларга белгиланган лимитларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси билан келишилган холда вилоят хокими карорига биноан амалга оширилади.

Ер ва бошка табий объектларга зарар етказилишининг олдини олиш тамойили

Ушбу тамойилга асосланган холда ер хукукининг барча меъёрлари вужудга келади ва амал килади. Бу тамойилга кўра ер ва унга алоказор бўлган табиат объектлари (сув, ўрмон, ер ости бойликлари, ўсимликлар ва хайвонат дунёси)ning табий хусусиятлари ер мулк, эгалик, фойдаланиш муносабатларида бўлганида сакланиб колиши лозим. Ерга нисбатан содир этиладиган хар кандай фаолиятда хам унга кимёвий, биологик, радиоактив, экологик ва бошка мазмундаги зарар етказмаслиги керак. Бу тамойилниң мухим жихати шундан иборатки, унга кўра ер хукуки келиб чиккан зарарни бартараф этишдан кўра, унинг олдини олишни устивор деб жорий этади.

Ерга бўлган хукукнинг хилма-хиллиги тамойили

ЕК 17-модда

Ўзбекистон ер хукукининг ўзига хослигини тавсифлайдиган тамойил бўлиб, ерга давлат мулк хукуки мавжудлиги шароитида ерни фойдаланиш жараёнига тортишнинг макбул шаклларини жорий этган. Бу тамойил ердан фойдаланиш хохиши бўлган юридик ва жисмоний шахсларга кенг имконият яратади. У ер хукукий муносабатларида бозор иктисадиёти конун коидаларининг жорий этилишига замин яратади, уларни демократлаштиради ва либераллаштиради. Бу тамойилнинг амал килиши ерга бўлган турли хил хукук эгаларининг хукук ва мажбуриятлари тенглигини таъминлайди

Доимий
эгалик килиш

Доимий
фойдаланиш

**ЮРИДИК
ШАХСЛАРНИНГ ЕР
УЧАСТКАЛАРИГА
БЎЛГАН хУҚУКЛАРИ
(Екнинг 17-моддаси)**

мулк

ижара

Муддатли
фойдаланиш

**ЖИСМОНИЙ
ШАХСЛАРНИНГ ЕР
УЧАСТКАЛАРИГА
БЎЛГАН хУҚУКЛАРИ
(Екнинг 17-моддаси)**

Мерос килиб
колдириладиган
умрбод эгалик
килиш

Доимий
фойдаланиш

мулк

ижара

Муддатли
фойдаланиш

ХАК ТҮЛАШ АСОСИДА ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАМОЙИЛИ

ЕК 28-модда

Ушбу тамойил шуни англатадики, барча ердан фойдаланувчилар, эгалик килувчилар, ижарачилар ва мулқдорлар ўзларига карашли бўлган ер участкаларидан фойдаланганликлари учун у ёки бу кўринишда хак тўлайдилар. Демак, ерга нисбатан бирор бир хукукка эга бўлиш ва уни амалда реализация килиш учун ер хукуки иштироқчиси хак тўлашга мажбур. Ердан фойдаланганлик учун тўланадиган хак хар хил бўлиши мумкин: ер солиги, ижара хаки, топширилган маҳсулот учун хак (пудрат шартномасида), ўрмон тўлови ва хоказо.

Ер хукукининг меъёрлари ерларнинг холати хакида ахборотлардан эркин фойдаланиш тамойили

Унга кўра, ер участкаларининг давлат дастури
кўрсаткичлари, яъни уларнинг табиий, хўжалик
холати ва хукукий макоми, микдор ва сифат
бахоси ва бошка тавсифлари тўғрисидаги
ахборотлар очик, тўлик, ишонарли хамда хамма
учун макбул тарзда хохловчиларга ва
фойдаланувчиларга берилиши керак. Ерларнинг
холати хакида ахборот давлат органлари,
юридик ва жисмоний шахсларнинг айrim
турлари учун текин, айrim юридик ва жисмоний
шахслар учун пуллик бўлиши мумкин

Ерга давлат мулк хукуки устиворлиги

ЕК 16-модда

Ушбу тамойилининг мазмуни **Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55- моддаси хамда Ер кодексининг 16-моддасидан** келиб чикади.

Ер кодексининг 16-моддасига биноан "**Ерга давлат мулки- умуммиллий бойликдир, ундан окилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади хамда олди-сотди килинмайди, айрибошланмайди, хадя этилмайди, гаровга кўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг конунларида белгиланган холлар бундан мустасно**".

Ер ва унинг бойликларидан комплекс фойдаланиш тамоили

ЕК 39-модда

Тамоилнинг маъноси шундан иборатки, хар бир ердан фойдаланувчи (мулкдор, ер эгаси, ижарачи ва хоказо) ўзига берилган ер участкаси табиий имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши, ундаги сув, ўрмон, умумий таркалган фойдали казилмалардан хам имкон даражасида юкори фойдаланиши лозим. **Бу тамоил Ер кодексида** ўз аксини топган. Унга кўра, ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдори ер участкасидаги мавжуд кенг таркалган фойдали казилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек, ернинг бошка фойдали хоссаларини ишга солиш хукукига эга.

Ерга бўлган хукукни давлат рўйхатидан ўтказиш тамойили

ЕК 35 модда

Тамойилга кўра, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган хукукларининг барчааси давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Ерга бўлган хукукни давлат рўйхатидан ўтказиш тамойили ер участкаларидан фойдаланишнинг ягона хисоб-китоб тизимини яратади, ердан фойдаланиш ва муҳофаза килиш устидан самарали давлат назорати олиб борилишини таъминлайди, ерга бўлган хукукни бегоналаштириш максадларида содир этиладиган хукукбузарликларнинг олдини олади, ер участкаси ва унга нисбатан хукук субъектлари тўғрисида тўлиқ маълумотларни тегишли давлат органларида тўпланишини таъминлайди.

Ер участкасини саклаш ва сервитутларга амал килиш тамойиллари

ЕК 29-30 моддалар

Ушбу тамойиллар Ўзбекистон ер хукукининг янги тамойиллари бўлиб, унга биноан хамма ердан фойдаланувчиларга ер участкасини саклаш вазифаси юклатилиши хамда уларга ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш хукуки (сервитут) берилишини таъминлайди

БЛИЦ САВОЛЛАР

1. Ер хукукини ўрганиш зарурияти кандай асосларни ўз ичига олади?
2. Ер хукукининг нечта кўринишда таърифи мавжуд?
3. Ер хукукининг предмети бўлиб кандай муносабатлар хизмат килади?
4. Ер муносабатларини тартибга солувчи кандай усулларни биласиз?
5. Тамойил тушунчаси нимани англатади?
6. Ер хукуки тамойиллари сони нечта?

Уйга вазифа (2-илова)

Инсерт жадвал

| | | | |
|---|---|---|---|
| V | + | - | ? |
| | | | |

“V” - мен билган маълумотларга

МОС;

“-” - мен билган маълумотларга зид;

“+” - мен учун янги маълумот;

“?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниклаш, тўлдириш талаб этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

БЕШИНЧИ БЎЛIM ХОКИМИЯТ, БОШҚАРУВ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

XV боб. Бошқарув тартибига қарши жиноятлар

210-модда. Пора олиш

Пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берадиган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача микдорда жарима ёки муайян хуқуқдан маҳрум этилган ҳолда икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

211-модда. Пора бериш

Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача микдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

212-модда. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача микдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.